

ТОЛАМЕТОВА Зилола Абдужабборовна,

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон

Миллий университети "Иқтисодиёт назарияси" кафедраси доценти, иқтифод фанлари номзоди

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ТАДБИРКОРЛИК ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

УДК 334.78

**ТОЛАМЕТОВА З.А. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ТАДБИРКОРЛИК
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Мақола глобаллашув шароитида тадбиркорлик хавфсизлигини таъминлашнинг зарурати ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ёритиб беришга бағишиланган.

Таянч изборалар: глобаллашув, тадбиркорлик, хавфсизлик.

**ТОЛАМЕТОВА З.А. ОБЕСПЕЧЕНИЕ БЕЗОПАСНОСТИ И РАЗВИТИЯ
ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ**

В статье основное внимание уделяется необходимости обеспечения безопасности предпринимательства в контексте глобализации и подчеркиваются приоритеты развития предпринимательства.

Ключевые слова: глобализация, предпринимательство, безопасность.

**TOLOMETOVA Z.A. ADOPTION OF THE PROCESS OF SECURITY AND ENTERPRISE
DEVELOPMENT IN GLOBAL ACHIEVEMENT**

This article focuses attention on the need to ensure the security of entrepreneurship in the context of globalization and emphasizes the priorities for the development of entrepreneurship.

Keywords: globalization, entrepreneurship, security.

Фан ва техника тез суръатлар билан тараққий этиб бора-ётган даврда ноёб саноат маҳсулотлари, шунингдек, ўзига хос ва маҳаллий эҳтиёжларни қондиришига мўлжалланган маҳсулотларга эҳтиёж юқори бўлади. Бундай маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кичик корхоналарда жойлаштириш иқтисодий жиҳатдан самаралидир.

Янги яратилаётган иш жойларининг З тадан 2 таси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда яратилмоқда. 20 та ривожланган мамлакатда барча яратилаётган иш жойларининг 68 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келади¹.

Тадбиркорлик фаолиятида тадбиркорлик хавсизлигини таъминлаш учун энг муҳими ҳар бир тадбиркор ўз фаолиятида оптимал қарорлар қабул қилиши ва бозор конъюктурасига мос ҳолда ҳаракатларни амалга оширишидир. Бозор муносабатлари тизимида тадбиркорлик фаолиятида хавф объектив равища мавжуд бўлган ҳақиқат ҳисобланади. Тадбиркор учун асосий хавф хатарлардан бири фойдани максималлаштириш жараёнида юзага келадиган тадбиркор таваккалчилиги ҳисобланади. Халқаро тажрибанинг кўрсатишича тадбиркорлиқдаги хавф даражаси кўплаб омилларга боғлиқ. Жумладан:

- Иш юзасидагиadolatciz ҳамкорлар
- Давлат ташкилотлари томонидан асосиз аралашувлар
- Сиёсий беқарорлик
- Молиявий беқарорлик
- Мансабдор шахслар томонидан тадбиркорлар ҳуқуқларини бузилиши
- Тадбиркорлар лизингда, кўчмас мулк, асбоб усукуналар, машиналарни ижарага олганда хавф хатарга дуч келиши мумкин. Ва хоказолар.

Тадбиркор бирон бир фаолиятга инвестициялар сарф этар экан, унинг сарф этган

капиталини қайтаришда албатта хавф хатар мавжуд бўлади. Тадбиркорлик фаолияти олиб борилар экан, кўпгина молиявий операцияларни (яни акцияларни сотиб олиш, кредит операцияларини амалга ошириш ва бошқалар) амалга ошириш жараёнида ҳам тадбиркорлик хавфи мавжуд бўлади, бунда тадбиркор бу хавф хатарни ўз зиммасига олади. Турли тадбиркорлик хатарлари ва "хавфли" муносабатларнинг хавф табиати ҳар хил бўлиб, улардан энг асосийси инвестициянинг йўқолишидир.

Тадбиркорлик фаолиятида хавф хатарлар ва таҳдидлар қўйидагиларда иборат бўлиши мумкин.

- Тижорат сири ҳисобланган ахборотнинг белгиланган тартибини бузиш;
- Технологиялардан фойдаланиш тартибини бузиш;
- Жамоада носоғлом ижтимоий ва психологияк мухит;
- Ходимлар ва раҳбарлар ўртасидаги зиддиятлар иш ташлашлар, жамоат тартибини бузилиши;

Тадбиркорлик хавфсизлигини таъминлашга корхонада фаолият юритаётган ходимларнинг билими, уларнинг таълими, иш тажрибасини юқорилиги ўзининг бевосита таъсирини кўрсатади.

Тадбиркорлик хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим йўналишларидан бири тадбиркорлар бизнес режаси, уларнинг иш услубларини ахборот хавфсизлигини таъминлашдир. Тадбиркорлик фаолиятида ахборот хавфсизлигини таъминланмаса фирма фаолияти билан боғлиқ ишлаб чиқариш ёки савдо сирлари каби қимматли маълумотларни йўқолишига олиб келиши мумкин

¹ Политика в сфере занятости в целях устойчивого восстановления и развития. Международная конференция труда. 2014. www.ilo.org/public-employment/documents/meetingdocument_wems_204976.pdf

Ривожланган мамлакатларда деярли барча пул операциялари компьютер тизимлари ва тармоқлари орқали амалга оширилади, лекин бунда тадбиркорлик хавфсизлигини таъминлаш мұхимдир. Тадбиркорлик хавфсизлигини таъминлашда ускуналарни муҳофаза қилиш ва компьютер фирибгарлигини олдини олиш, тасодифий юзага келадиган заарлардан сақланиш зарур. Ахборотлаштириш жараёни қурайликларини юзага келтириш билан бирга тадбиркорлик фаолиятида турли хавфларини юзага келтириши мүмкін. Замонавий цивилизацияни шакллантиришда тадбиркорлар фаолиятини ривожлантиришда, уларни хавфсизлигини таъминлашда тадбиркорлар фойдаланадиган ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш зарур.

Тадбиркорлар ахбороти хавфсизлигини таъминлашда қуйидагиларга эътибор қаратилади:

1. Почтада тадбиркорлик сирлари бўйича маълумотлар бермаслик.

2. Агар компютерингиз маҳсус дастур ёрдамида интернетга уланган бўлса уларни ҳимоя қилиш:

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ва фаолият кўрсатиши соҳасидаги тажриба уларга давлат томонидан, шунингдек, ижтимоий институтлар томонидан ҳам катта эътибор берилаётганини кўрсатади ва улар ҳозирги вақтда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг умумий ҳажмида ҳам иш билан банд ходимларнинг умумий сонида ҳам анча салмоқли ўринни эгаллайди.

2015-йилда давлат активларини хусусийлаштириш, аввало, чет эллик инвесторларга сотиш вазифалари қўйилган бўлиб, бунинг учун тегишли шароитлар яратилди. Масалан, 506 та мулк комплекси танлов асосида, инвестиция киритиш шарти билан «ноль» қийматида янги мулкдорларга сотилди. Бу борада ана шу инвесторлар қарийб 1 триллион сўм ва 40 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш, шунинг-


дек, 22 мингга яқин янги иш ўрни яратиш мажбуриятини олди. 245 та кам рентабелли ва фаолият кўрсатмаётган ташкилот тўлиқ тугатилди. Хусусийлаштириш дастури бўйича фойдаланилмаётган ва қурилиши тугалланмаган 353 та давлат мулки обьекти бузилиб, бунинг натижасида 120 гектар ҳажмидаги ер майдони бўшади. Бу ерларнинг қарийб 80 гектари ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш ва хизматлар кўрсатиш обьектлари қуриш учун тадбиркорлар тасарруфига берилди¹.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг тизимли чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. 2014-йилда Ўзбекистон бизнес юритишни енгиллаштириш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар бўйича етакчи 10 та мамлакат қаторига киритилган Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида барча ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси” нинг ташкил этилгани мұхим аҳамият касб этмоқда. Ушбу жамғарманинг асосий вазифаси мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилишда зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида олиб бораётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ЯИМ даги улуши 2000 йилда 31 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб 56,9 фоизга етган².

¹ Ўзбекистон Республикаси биринчى Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг мұхим устувор йўналишларига бағишинланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси...Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир/ www.lex.uz

² www.stat.uz <https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/432-analiticheskie-materialy-uz/2031>

Расм 1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ЯИМдаги ўрни¹

Кичик тадбиркорликнинг иқтисодиёт тармоқларидағи улуши ҳам ошиб боргани ҳолда 2012- йилда кичик тадбиркорликни экспортдаги улуши 14 фоизни ташкил этган бўлса 2015-йилда 27,8 фоиздан иборат бўлди. Шунингдек кичик тадбиркорликни саноатдаги улуши 2012-йилда 23,1 фоиздан иборат бўлган бўлса, 2015 йилда 40,6 фоизни ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиширишда асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши юқори бўлиб 2000 –йилда 73,6 фоиздан, 2016-йилда 98,2 фоиздан иборат бўлди

Ҳозирда кичик бизнес соҳасида яратила-ётган янги иш ўринларининг асосий қисми хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси улушига тўғри келади. Бу эса кичик бизнес субъектларининг аҳоли бандлиги-ни таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этишда муҳим ўринга эгалигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасида олиб бори-лаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни

ЯИМ даги улуши 2016 йилга келиб 56,9 фоизга, саноатда 45 фоизга етган².

2015-йилда мазкур соҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилди. 2015-йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб қувватлаш натижасида микрофирмалар, кичик корхона ва фермер хўжаликлари фаолияти тўрт йилда бир марта, бошқа хўжалик субъектлари фаолияти эса уч йилда бир марта режали тартибда текширилади ва бундай текширувлар фақат Назорат органдари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши қарорига асосан амалга оширилади. Бунда молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувларни амалга ошириш муддати 30 календарь кунидан 10 календарь кунига қадар қисқартирилди. Шуни қайд этиш керакки, бу нормалар хусусий банк ва молия институтларига ҳам тегишлидир.

Республикамизда иқтисодиётни раҳобатбардошлигини тубдан ошириш, экспортга

¹ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қойдаси бўлиши керак. / Узбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2017 йил 15 январь

¹ <https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/432-analiticheskie-materialy-uz/2031>

1-жадвал. Кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг иқтисодиёт ва унинг асосий тармоқларидағи улуши¹

	2012	2013	2014	2015
ЯИМ	54,6	55,8	56,1	56,7
Саноат	23,1	28,1	31,7	40,6
Қишлоқ хўжалиги	97,8	98	98	98,4
Инвестиция	35,8	32,7	35,4	35,8
Қурилиш	71,1	71,5	69,5	66,7
Савдо	87,3	86,6	86,3	87,1
Пуллик хизматлар	44,9	46,2	48,6	50,5
Жами хизматлар	46,8	48,9	51,5	55,6
Юқ ташиш	44,2	47,3	50,9	53,7
Юқ айланмаси	81,2	82,8	83,4	83,7
Йўловчи ташиш	83,1	84,5	85,5	87,3
Йўловчи айланмаси	87,6	87,7	88,6	89,2
Экспорт	14	26,2	27	27,8
Импорт	38,6	42,4	45,4	44,5
Бандлик	75,6	76,7	77,6	77,9

маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятидаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш устувор аҳамият касб этади.

2015 йилнинг 1 январидан бошлаб республикамизнинг барча ҳудудларида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб қувватлаш, тадбиркорлик хавфсизлигини таъминлаш мақсадида "ягона дарча" марказлари фаолият бошлади.

Мазкур марказларнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборатdir:

- «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш;
- тадбиркорлик субъектлари томонидан рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензия тартиботларидан ўтишда шаффофликни таъминлаш;
- тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатишда бюрократик тўсиқларга йўл қўймаслик;
- тадбиркорлик субъектларига ахборот ёрдами кўрсатиш, шу жумладан давлат хиз-

матлари кўрсатиш тартиби ва муддатлари тўғрисида бепул консультациялар бериш.

– аризаларни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш;

Республикамизда тадбиркорларни қўллаб қувватлаш мақсадида «Ягона дарча» марказлари орқали давлат хизматлари кўрсатадиган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат берувчи ҳужжатлар ва лицензиялар (бундан бўён – рухсатнома ва лицензиялар) олиш тўғрисидаги аризаларни қабул қилинмоқда;

Республикада тадбиркорлик субъектлари учун қулай шаклда рухсатнома ва лицензиялар олиш тартиби ва муддатлари ҳақидаги маълумотлардан масофадан туриб фойдаланиш имкониятлари яратилмоқда;

Ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштириш учун имтиёзли кредитлар ажратилмоқда.

2016 йил 5 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик мухитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча

¹ Ўзбекистон Республикасининг йиллик статистик тўплами. – Т., 2016. -68-б.

чора-тадбирлар түркисида" қабул қилингандай Фармона, тадбиркорлик хавфсизлигини таъминлашга хусусий мулкни хуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулайшарт-шароитлар яратишга ва ҳар томонlama қўллаб-қувватлашга, республиканинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга йўналтирилган.

2017 йилнинг 1 январидан бошлаб қўйидаги чоралар жорий этилди: - тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинди, бундан юридик шахснинг тугатилиши билан боғлиқ текширишлар, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши-нинг қарорига мувофиқ ўтказиладиган қисқа муддатли текширувлар мустасно этилди

Шундай қилиб, назорат қилувчи органлар эндиликада режадан ташқари текширишлар бекор қилинди. Республиkaning аҳоли зич жойлашган ва ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган ҳудудларда касаначилик, косиб-чилик ва халқ ҳунармандчилиги, шунингдек, оиласвий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида “Бандлик ва меҳнат муносабатлари” вазирлиги томонидан мақсадли ва манзилли ишлати-лиш учун маблағлар, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан Имтиёзли кредитлаш маҳсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан имтиёзли кредитлар ажратилмоқда.

2017 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони эълон қилинди. Хусусан, мазкур 2017 - 2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”

мамлакатни ривожлантиришнинг қуидаги
5 та устувор йўналиши белгиланган:

1. Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш;
 2. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хүкүк тизимини янада ислоҳ қилиш;
 3. Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш;
 4. Ижтимоий соҳани ривожлантириш;
 5. Хавфсизлик, миллатларароtotувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёsat юритиш.

Иқтисодиётни янада ривожлантиришва либераллаштиришга йўналтирилган макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, худудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иктисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш;

2017 – 2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллары миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгacha, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгacha етади.

Харакатлар стратегиясига асосан, худудларни ұрға томонлама ривожланти-
ИКТИСОД ВА МОДИЯ / ЭКОНОМИКА И ФИНАНСЫ 2017. 11

риш бўйича қарийб 25 мингта инвестиция лойиҳасини рўёбга чиқариш ҳисобига 256,4 минг иш ўрни ташкил этиш орқали аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини тўлиқ ижро этиш назарда тутилган. Ишсизлик даражаси энг юқори бўлган минтақаларда 46,8 минг янги иш ўрни ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун таълим муассасаларининг 10 минг нафар битирувчисига кредитлар¹ ажратиш режалаштирилмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуришга, эрkin бозор муносабатларига ва хусусий мулк устуворлигига, тадбиркорлик хавфсизлигини таъминлашга асосланган иқтисодиётни ривожлантиришга, халқ осоиишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун шарт-шароитлар яратишга, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг муносиб ўрин эгаллашига қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда хусусий мулкни ишончи ҳимоя қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни таъминлаш борасида қулай шарт-шароитлар яратилди.

Тадбиркорлик тузилмаларига давлат хизматлари кўрсатиш сифати ва улардан фойдаланиш имкониятларини тубдан оширишга доир комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар кўрилди.

Мамлакатимизнинг мустақил ривожланиши даврида мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш бўйича тизимли ишлар доирасида 30 мингдан ортиқ давлат обьекти, шу жумладан, 6,5 мингта йирик ва ўрта корхона хусусий мулк қилиб сотилди. Натижада ҳозир нодавлат секторига ялпи ички маҳсулотнинг 81 фоизидан кўпроғи, саноат ишлаб чиқаришининг 94

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони. // Узбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

фоизи ва барча банд аҳолининг 82 фоизидан зиёди тўғри келмоқда².

Бир қатор корхоналарни хусусийлаштириш кутилган натижаларни бермади. Республика минтақаларидағи хусусийлаштирилган корхоналарнинг мулқдорлари ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланаётгани ва корхоналарни узоқ муддатли ривожлантириш билан шуғулланмаётгани, ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришларни тикламаётганилиги ва ишлаб чиқараётгандан маҳсулотларининг рақобатдошлигини таъминлайдиган замонавий технологияларни жорий этмаганлик холатлари кузатилмоқда.

Хусусийлаштирилган корхоналар негизида 2 мингдан ортиқ паст рентабелли ва зарар кўраётган кам қувватли хўжалик субъектлари, шу жумладан, мингдан ортиқ ишламаётган ҳамда деярли бўш ётган обьектлар, самарасиз фойдаланилаётган ер участкалари ва ишлаб чиқариш хоналари аниқланган.³

Давлат органлари хусусийлаштирилган корхоналарнинг асл ҳолатини ўрганиш, уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти ва молиявий-иқтисодий аҳволини мониторинг қилиш, мавжуд муаммоларни таҳлил этиш ва сабабларини аниқлаш, уларни кредит ва моддий ресурслар билан таъминлашда, муҳандислик-ишлаб чиқариш инфратузилмасини тиклашда, ички ва ташқи савдо бозорларини топишда амалий кўмак бериш билан суст шуғулланмоқдалар.⁴

Хусусийлаштирилган корхоналарнинг мавжуд улкан иқтисодий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экспортни жадаллаштириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш ҳисобига улар иқтисодий ўсишнинг

² <http://aza.uz/oz/documents/khususiylashtirilgan-korkhonalar-bilan-ishlash-samaradorligi-18-04-2017.lex.uz>

³ <http://aza.uz/oz/documents/khususiylashtirilgan-korkhonalar-bilan-ishlash-samaradorligi->

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Хусусийлаштирилган корхоналар билан ишлаш самарадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2895-сон қарори.

локомотиви бўлиб қолишлари керак. Хусусийлаштирилган корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш яқин йилларда республика мінтақалари ва бутун мамлакатни ривожлантиришда кучли омил бўлишини таъминлаши даркор.

Бироқ республикамизда баъзи тадбиркорларнинг мукаммал "Бизнес Режа" ишлаб чиқа олмаганлиги тадбиркорлик хавфсизлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқмаганлиги, замонавий техника янгиликларидан ўз вақтида фойдалана олмасликлари уларни банкротлик холатига олиб келиб қўйган. Бундай холатларни олдини олиш учун қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

1. Хусусийлаштирилган корхоналарнинг реестрини жорий этиш бўйича чоратадбирларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда амалга ошириш, улар фаолиятининг доимий мониторинги ва таҳлилини олиб бориш;

2. Хусусийлаштирилган корхоналарни тиклаш ва фаолият самарадорлигини ошириш бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил этиш, шунингдек, «йўл хариталари»ни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар бўйича вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари, тижорат банклари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятларини мувофиқлаштириш;

Шундай қилиб тадбиркорлик хавфсизлигини таъминлаш учун қўйидагиларни амалга ошириш керак.

Биринчидан, тадбиркорлар банкротлик холатларини олдини олиш учун, бозордаги коньюктура ўзгаришларини мунтазам ўрганиб, мониторинг қилишлари зарурдир.

Иккинчидан, муайян бизнес лойиҳаларини амалга оширишда, бизнес режаларини ишлаб чиқиша хатарларни олдиндан баҳолаш, раобатчилар ҳолатини рақобат муҳитини чуқур таҳлил этишлари қилиш зарур

Учинчидан, тадбиркорлик фаолияти қонун доирасида бўлиши маънавий -ахлоқий талабларга ҳам мос келадиган бўлиши керак.

Тўртинчидан, тадбиркорлик фаолияти тўлиқ қонуний, яъни тадбиркорлик лойиҳаси қонун талабларига мос бўлиши лозим.

Бешинчидан, ҳар бир тадбиркор бизнес режасини тузар экан, албата тадбиркорлик хавфсизлигини таъминлаш дастурларини тузиб чиқиши зарурдир.

Мазкур дастурларда қўйидагилар ҳисобга олиниши керак.

- а) Молиявий ижарачиларга тўловлар, солиқлар тўловига қодирлик, солиққа тортишдаги ўзгаришлар

- б) Ташкилий иш жараёнларини тўғри ташкиллаштириш, шартномаларни, жумладан лизинг шартномаларини мукаммалигини таъминланиши

- в) Тадбиркорлар ўз корхоналаридаги техник асбоб ускуналарни замонавий фан техника талабларига жавоб беришини таъминлаши, асбоб ускуналарни лизингга олиши

Олтинчидан, тадбиркорлар нормал фаолият кўрсатишлари учун ўз тасаруфидаги иншоотларни, мулкни, компания иқтисодий хавфсизлигини таъминлашлари, шунингдек тадбиркорлар ўз фаолиятлари давомида ҳамкорлар, рақобатчилар билан муросали муносабатларда бўлишлари зарур;

Еттинчидан, тадбиркорлар ўз корхоналарида меҳнат интизомини таъминлаши, меҳнатни тўғри рағбатлантириш, жамоада ижодий муҳитни таъминлаши, меҳнат унумдорлигини ошириши лозим;

Саккизинчидан, технологик рақобатбардошликини ошириш, дизайн ва янги асбоб ускуналар билан таъминлаш тадбиркорларнинг интелектуал салоҳиятини ошириш, энг сўнгги илмий ютуқларни жадал ривожлантириш, замонавий технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш. Тадбиркорларнинг иқтисодий, саноат илмий техникавий тадбирларга оид савдо сирларини сақлаш ва Интелектуал мулк агентлиги томонидан интелектуал мулк хуқуқларини ҳимоя қилиш, оптимал ахборотларни қўллаб қувватлаш.

Тўққизинчидан, ҳар бир тадбиркор ўз корхонаси шароитини мунтазам аниқлаб бориши, ходимларнинг ўзаро муросали муносабатда бўлишини таъминлаши, ходимлар ўртасида ўзаро қарама қарши томонлар юзага келган холатларда ўзаро қарама - қарши томонларнинг манфаатларини мувофиқлаштириши, зарур бўлганда маъмурий, интизомий чораларни қўллаш билан вазиятни яхшилаш мумкин.

Тадбиркорлик хавфсизлигини таъминлашда тадбиркор тижорат хавф даражасини таҳлил қилиши, оғзаки ёки математик усуллар, моделлардан унумли фойдаланиши техник тажриба ва мутахасислар тажрибасини ўрганиши, ахборот технологиясидан фойдаланиб, индивидуал элементлар ҳақида саволлар лойихасини ишлаб чиқиб, алоҳида ҳар бир элемент учун ноаниқликни таҳлил қилиши, баҳолаши ва шу асосда энг яхши вариантни танлаши, шуларга асосланган ҳолда ўз иши бўйича қарорлар қабул қилиши зарур. Тадбиркор ўз ишини стратегиясини тўғри қабул қилиши тадбиркорлик хавфсизлигини таъминлайди.

Республикамизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қўйидагилардан иборатdir:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини технологик воситалар, кичик механизациялар, станоклар ва бошқа хилдаги унча мураккаб бўлмаган воситалар, шунингдек, транспорт воситалари билан таъминлаши учун лизинг компанияларини филиалларини кўпайтириб бориш;

- тадбиркорлик фаолияти хавфсизлигини таъминлаш, хусусий тадбиркорларни микрокредитлар билан таъминлаш жараёнларини доимо давом эттириш, бунда республикадаги тижорат банклари ва бюджетдан ташқари фонdlар маблағидан кенг фойдаланиш;

- хусусий мулкчиликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан янада яхшилаш;

- тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» марказлари, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлиги, замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилишини тизимли таҳлил қилишни кенг йўлга қўйиш;

- «Ягона дарча» марказлари орқали давлат хизматлари кўрсатишда ваколатли органлар томонидан қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш;

- илфор ҳалқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, «ягона дарча» марказлари орқали давлат хизматлари кўрсатишни янада такомиллаштириб бориш. «Ягона дарча» марказлари орқали кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш ва ошкоралигини таъминлаш

4.Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг¹ кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, қўмита кадрларини тизимли равишда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакаси оширилишини ташкил этиш.Хусусийлаштирилган корхоналарни қайта тиклаш ва фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштириб бориш

Ишлаб чиқаришни тиклаш ва ривожлантириш бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, тадбиркорлик фаолиятининг асосларини ўргатиш, шунингдек, хусусийлаштирилган корхоналарни қўллаб-қувватлашнинг молиявий манбала-

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш”[Иқтидорларни юқорилаштирувчи ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил Ф-5016-сон Фармони](#).

рини кенгайтиришни талаб этади. Бизнес-режалар ишлаб чиқиш, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги қонунчилик, менежмент, молия бошқаруви масалалари ва бошқа фанлар бўйича хусусийлаштирилган корхоналар раҳбарлари ва ишлаб чиқариш-техник ходим-

лари учун доимий фаолият юритадиган ўқув курсларини ташкил этишга йўналтирилган Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика маркази ва унинг ҳудудий филиалларини барпо этиш ҳамда улар фаолиятини самарали ташкиллаштиришни таъминлаш;

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишенланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруzasи...Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчилкларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. Тошкент . www.lex.uz.

2. Каримов И.А. 2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устивор вазифамиздир. 2014 йилда ижтимоий иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишенланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруzasи

3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. / Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишенланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Т., 2016. -56-6.

4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. / Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишенланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2017. –104- 6.

5. Узбекистан в цифрах. - 2013 йил. Государственный комитет Республики Узбекистан по Статистике –Т .2013

6. Толаметова З.А. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида меҳнат бозорини ривожланиш йўналишлари 2014. Тошкент . "Иқтисодиёт" 305 6

7. Толаметова З.А. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. 2017. Тошкент. "Фан ва технология" 400 бет